



# Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## ЎН ФОИЗГА ОШМОҚДА



**Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси Сайёра БАРАТОВА:**

– ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларнинг қўллаб-қувватлашга дунёнинг ҳеч бир давлатида мамлакатимиздаги каби алоҳида эътибор қаратилмаган. Ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан ажратилаётган маблағ йилдан-йилга ортиб бераётгани фикримиз тасдиғидир. Хусусан, бу йил 11 миллиард сўм, ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп маблағ ажратилди.

Ушбу маблағнинг 47,5 фоизи, яъни 5 миллиард 230 миллион сўмини давлат грантлари шаклида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш тақлиф этилмоқда. Жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш" мавзусидаги танловга бир миллиард 100 миллион, "Қонунчиликни мустаҳкамлаш, инсонларда қонунга ҳурматни, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини таъминлаш" мавзусидаги танлов учун 750 миллион, "Оммавий ахборот воситаларини ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросининг боришини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга

қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш" мавзусидаги танловга 750 миллион, "Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом, маънави баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш" мавзусидаги танловга 280 миллион, "Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ошириш" мавзусидаги танловга 650 миллион, "Мустақиллик йилларида республика ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш" мавзусидаги танлов учун эса 700 миллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда.

Икки миллиард 300 миллион сўм ёки умумий маблағнинг 21 фоизи давлат ижтимоий буюмларини шакллантиришда давлат органларининг буюмларини ўқитиш, жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш" йўналишига 390 миллион, "Фуқаролик жамияти институтларини, мустақил ОАВларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг аҳолини ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш соҳасидаги фаолиятини янада фаоллаштириш" йўналиши учун 510 миллион ҳамда "Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини оммалаштириш, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш" йўналишига 400 миллион сўм ажратиш тақлиф этилмоқда.

Умумий маблағнинг қолган 3 миллиард 470 миллион сўми ёки 31,5 фоизи давлат субсидиялари шаклида йирик жамоат ташкилотлари учун ажратилиши тақлиф этилмоқда. Хусусан, ФЖШМҚМИ ва Худудий бўлинмаларининг 20 фоиз харажатларига бир миллиард 280 миллион, "Фуқаролик жамияти устав вазифасини қўллаб-қувватлаш учун 700 миллион, ННТ Миллий ассоциацияси устав вазифасини қўллаб-қувватлаш учун 460 миллион, босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фондиди молиялаштириш учун 500 миллион ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 150 миллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда.

Эъло қилинган мазкур танловларда Тошкент вилоятидаги ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш, бунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш юзасидан ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Уйлайманки, бу йил янада кўпроқ ННТлар грант соҳибига айланишади.

## ЖАМИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари вазифасини бажарувчи Баҳрийддин ХОЛБУТАЕВ:**

– Айни пайтда вилоятимизда фаолият юритаётган 700 дан ортиқ нодавлат ношароит ташкилотларининг ақсарияти билан бўлинмаимиз ҳамкорликни йўлга қўйиб, яқиндан кўмак бермоқда. Ҳар томонлама қўлай бундай шароитда ННТлар йилдан-йилга кўпайиши баробарида, аҳолининг ҳуқуқ, манфаат ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий анъана ва урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, хайрия фаолиятини кенгайтириш каби йўналишлардаги давлат дастурларида иштироки ўсиб бормоқда.

2015 йил Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди эълон қилган танловларда вилоятимиздан 15 та ННТ грант соҳиб бўлди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислохотлардан хабардор қилиш, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига берилган эътибор, қўлай шароит ва имтиёзлар, улар билан бўлинмаимизнинг ҳамкорлиги самараси ўлароқ, 2015 йилда вилоят босма ОАВда 540

## АЁЛЛАРИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР



**Вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибияти мудир Насиба КУЛБЕКОВА:**

– Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва маъқени кўтариш давлатимизнинг асосий устувори йўналишларидан бири экани аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлангани, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётидаги ролини ошириш, маънавий ва интеллектуал салохиятини юксалтириш муҳим давлат ва жамият аҳамиятига моллик вазифалар эканидан далолатдир. Вилоятимизда қатор ННТ, хусусан, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ушбу мақсадлар йўлида ижобий натижаларга эришилди.

Вилоятимиз аҳолисининг 50,4 фоизи хотин-қизлар. Бугун уларнинг 16 нафари "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти соҳи-

баси, 110 нафари фан номзоди, фан доктори ва профессор. Хотин-қизларимизнинг 30 мингдан зиёдроги кишлоқ ҳўжалигида, 40 мингдан зиёдроги саноат соҳасида, 25 мингдан зиёдроги соғлиқни сақлаш тизимида, 30 мингдан зиёдроги халқ таълими, 20 мингга яқини маданият, спорт ва илм-фанда, 8 мингдан зиёдроги тадбиркорлик ва бир неча минг нафари турли соҳаларда, 4 минг нафаридан ортиқ раҳбарлик лавозимда ишламоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий саводхонлигини ошириш, қонуний манфаат, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уй бекаларининг турмуш тарзи, дунёқараши, атрофда бўлаётган воқеаларга муносабатларини ўргатиш ва турли маънавий-мафсуравий хужжатлардан асраш мақсадида вилоят "Аёллар маслаҳат маркази" фаолияти йўлга қўйилиб, унинг Чирчиқ шаҳри ҳамда Зангиота, Янгийўл ва Паркент туманлари бўлимлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, аёлларимиз оилада тинчлик, осойишталик, меҳр-муҳаббат муҳитини шакллантириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш баробарида, жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиликларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

## ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТДОРМИЗ



**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Тўлқин ФАЙЗИЕВ:**

– Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига очиқ ва ошқоралик билан ўтган сайловлар сиёсий партиялар оғури-эътибори ва нуфузи сезиларли даражада ошганини кўрсатди. Партияимиз тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан "Янги сайловлар – жамият учун сифат жиҳатда" ва "Сайловларга кўмакдош" лойиҳалари доирасида 80 дан ортиқ семинар-тренинглар ташкил этди. Хусусан, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган "О'zLiDeP – аниқ амалий ишлар партияси", "О'zLiDeP депутатлари – аҳоли манфаатлари йўлида" ҳамда "Маҳаллий

ҳокимият органлари фаолияти – жамоат назоратида" каби қатор лойиҳалар ҳам сайловга ўзига хос тайёргарлик дейиш мумкин.

О'zLiDeP Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Айниқса, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда қатор илмий-амалий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, "Фуқаролик жамияти ривожланишининг микдор ва сифат ўзгаришлари", "Кичик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг миллий ва хорижий тажрибалари", "Худудларнинг истиқболли ривожланиши, партия дастурий мақсадлари ва уларнинг доимий электрорат манфаатларидан келиб чиқиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг иштини ташкил этиш самарадорлигини таъминлаш" мавзусидаги ўтказилган семинар-тренинглар ҳамда турли байрам тадбирлари ва сайёр йиғилишлар яхши самара берди.

Мухтасар айтганда, О'zLiDeP вилоят кенгаши ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликни давом эттиради ва бундан ҳар томонлама манфаатдордир.

## ФАОЛ ИШТИРОКЧИГА АЙЛАНДИ



**"Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Раъшан ТОЛИПОВ:**

– Очиқлик, ошқоралик, эркинлик ва адолатлик тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайлов кампанияси давомида номзод билан вилоят сайловчиларининг учрашуви ўтказилди. Номзоднинг ишончли вакили билан ҳам вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида учрашувлар ташкил этилиб, унда 3450 дан зиёд сайловчилар иштирок этди. Оммавий ахборот воситаларида 20 дан ортиқ чиқишлар эълон қилинди. Шунингдек, сайловолди дастурининг бош гоёси акс эттирилган юзга яқин банерлар

шаҳар ва туман марказларига ўрнатилди.

Бугун мамлакатимизнинг иқтисодий кудрати юксалиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тобора кенг қулоқ ёяётгани, бу ишлар замирига инсонпарварлик ва эзгулик гоёлари сингдирилгани қувонарлидир. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган хунрезликлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафика тобора авж олаётган айни вақтда мамлакатимиздаги

тинчлик ва барқарорлик ўз-ўзидан бўлмаётганини кўрсатмоқда. Бундан хулоса шунки, барча сайхарақатлар юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига сафарбар этилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси қатор ҳамкор ташкилотлар, хусусан, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда кечаётган бундай муҳим демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди.

81 мингдан зиёд аҳоли жалб этилди.

Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, жамиятдаги муҳим масалаларни ҳал этишда нодавлат ношароит ташкилотлари фаолиги ортиб боришига хизмат қилаётган ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтираимиз.

## МЕМОРАНДУМ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР



**Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши раиси Маҳмуд НАЗАРОВ:**

– Умумэътироф этилган халққаро талаблар асосида ҳаққоний ва адолатли ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда партияимизнинг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари фаол иштирок этди. Номзоднинг сайловолди дастури мазмун-моҳияти ва мақсадини сайловчиларга етказиш учун учрашувлар юқори савияда ташкил этилиб, унда уч мингдан зиёд сайловчи қатнашди. Шунингдек, 18 мингдан зиёд сайловчиларни қамраб олган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Тўрт мартадан телеэкрдан, "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентка правда" газеталарида чиқишлар қилинди.


Сайловга тайёргарлик жараё-

нида партияимиз марказий кенгаши ҳамда ФЖШМҚМИ билан имзолаган ҳамкорлик меморандумига асосан, институтнинг вилоят ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда белгиланган режа асосида тадбирлар ўтказилди. "Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг доимий электрорати манфаатлари ҳамда худудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш", "Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш: муаммо ва ечимлар", "Депутатнинг ўтган бир йили" мавзусида семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Умуман, йил давомида ташкил этилган мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирларда 70 мингдан зиёд партия фаоллари иштирок этди.

Хулоса ўрнида айтганда, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда олиб борилган ишларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда партиянинг вилоят кенгашида бошланғич партия ташкилотлари 358 тага етди. Ҳаётда аъзоларимиз ҳам кўпайиб, 13 минг 400 дан ошди.

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАМИЗ



**Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Меҳрождин ДАРХОНОВ:**

– Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида унутилмас воқеага айланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловга партияимиз ҳам муносиб номзод кўрсатди.

Сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларимиз аҳоли ўртасида олиб борган тарғибот-ташвиқот жараёнларида фаол фуқаролик позициясини, ўз сайлов ҳуқуқидан оғли ва масъулият билан фойдаланишга интилишни шакллантиришга ҳара-

кат қилди. Бунда ёшлардан иборат, кўпчилиги биринчи марта сайлаш ҳуқуқидан фойдаланганлар, хотин-қизлар, айниқса, оилада бола тарбияси билан банд бўлганларнинг электроратдаги фаолигини ошириш масаласи диққатимиз марказида бўлди.

Партияимиз мазкур сайловда қонунчилигимизда белгиланган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилди. Жумладан, сайловни ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳузурида сайлов штаблари ташкил этилди.

Марказий сайлов комиссияси сайловолди ташвиқотига руҳсат берган кундан бошлаб, вилоятимизнинг барча

ҳудудларида махсус жадвал асосида сайловчилар билан учрашувлар ташкил этилиб, вилоятнинг аҳоли зич жойлашган худудларида номзоднинг сурати ва партия логотипи ҳамда широрлари туширилган банерлар олинди.

ХДП вилоят кенгаши ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда 12 та сиёсий машғулот ўтказди ва унда 1500 тингловчи иштирок этди. Туман ва шаҳар кенгашлари ўтказган 216 та сиёсий ўқув-машғулотларида 14 мингдан зиёд партия аъзолари ва электрорат вакиллари қамраб олинди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларида ҳам 3200 дан ортиқ этилий ўқувлар ташкил этилиб, унга

лаша қаратганимиз. Бунинг учун ҳозирдан тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юбордик. Маҳалла фаоллари қаерда чинакам фаол бўлса, маҳалласи учун елиб-югурадиган, ютуғидан қувонадиган ва камчилигидан қайғурадиган, маҳалласи равақ ва обрўси учун курашадиган бўлса, уша маҳалла аҳолиси давлатимиздан ва унинг сиёсатидан рози бўлиши барчамизга аён ҳақиқатдир. Шу маънода, маҳалла бошқарувига қандай раҳбар сайланиши гоёят муҳимдир. Зеро, Прези-

## МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА



**"Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши раиси ўринбосари Музаффар РАЖАББОВ:**

– Мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида ҳал қилувчи куч сифатида майдонга кириб келаётган ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида фаоллигини оширишга қаратилган турли тадбирлар, лойиҳалар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Бунда ННТ, айниқса, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ижобий натижа бермоқда.

Ҳаракатнинг вилоят ҳамда шаҳар ва туман кенгашлари ўтган йили 4427 та кўрик-танлов, давра суҳбатлари, учрашувлар ҳамда семинар-тренинглар ташкил этди ва унда 850 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди. Жумладан, қолғеқ ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 23 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қара-

тилган "Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги" ўтказилиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" лойиҳаси доирасида вилоятдаги барча таълим муассасаларида 948 марта учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Мазкур лойиҳада 59 мингга яқин ёшлар қатнашди.

Ёшларимизнинг сиёсий жараёнларга мустақил ва оғли муносабатини шакллантириш, мамлакатни модернизация қилишнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш, уларда Конституция ва қонунларимизга ҳурмат ҳиссини камол топтириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшлар ҳаётига оид қонуний-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида 2015 йилда турли мавзуларда 84 та учрашувлар ўтказилиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечим юзасидан 220 га яқин тақлифлар берилди. Шунингдек, йил давомида 143 марта "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари ўтказилди. Учрашувларда ёшлар билдирган 700 га яқин тақлиф ва бир қатор камчиликлар туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтида ҳал этилди.

Ёшлар орасида одам савдоси, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Одам савдоси – давр муаммоси" ҳамда "Ёшлар ва қонун" лойиҳалари ўтказилиб, 1400 учрашувлар давра суҳбатларида 110 мингга яқин ёшлар қамраб олинди.



Очигини айтганда, қайси давлат халқининг билим ва тафаккури юксак бўлса, ўша ерда ҳар тарафлама тараққиёт бор. Ҳар қандай мамлакат ҳаёт даражасини халқининг умумсаъвияси белгилайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи таъқозо этмоқда".

"Интеллектуал меҳнат" нима?

Ўзбек халқи – меҳнатқаш халқ. Лекин ҳозир дунёда жисмоний меҳнатнинг интеллектуал (ақлий) меҳнат олдига мағлуб бўлгани ҳам бор гап-да.

Биз жаҳоннинг пахта етиштирадиган бармоқ билан саноат мамлакатларидан биримиз. Ҳозирча энг катта экспортимиз – шу маҳсулот. Иқтисодиётнинг аччиқ қонунияти шуки, ҳам ашё сотган ҳамisha ютказилади. Толамизми юз фоиз ўзимизда қайта ишлашга эришиш – бизнинг яқин келажакдаги муҳим вазифаларимиз қаторига кирди.

Ақлий меҳнат товарлари яқини ички маҳсулотнинг асосий қисмини ташкил этиши учун мамлакатда, энг аввало, саноат ривожланиши лозим. Шўро даврида яқини ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси 34 фоиз эди. Ҳозирча? Бор-йўғи 17 фоиз! Саноатнинг ҳиссаси шўро даврида 17 фоиз бўлса, ҳозир 24 фоизга етди. Энг ривожланган давлатларда саноатнинг улуши – 28-35 фоиз атрофида. Бу юксак марраларга етишимизга жуда оз мuddат қолди. Шу тариқа биз мустақиллик йилларида индустриал мамлакатга айландик.

Бу таҳлилларимиз ёшлар тарбияси биз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини кўрсатади. Модомики, олдимизга дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафидан тезроқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўрин олишдек юксак мақсад қўйган эканмиз, ишни, аввало, ёшларимиз таълим ва тарбияси сифатини янада юксак даражага кўтаришдан бошлашимиз керак. Бу борда улкан ютуқларни қўлга киритганимизни бутун дунё кўриб-билиб, тан олиб турибди. Бироқ, камчиликлари-миз ҳам оз эмас. Хусусан, адабиёт, ёт, бузғунчи гоялар

ний тарбия; табиий (эстетик) тарбия; жисмоний тарбия; экологик тарбия; оилавий тарбия; педагогик тарбия; тиббий тарбия; руҳий (психологик) тарбия; мутқий (лисоний) тарбия; миллий тарбия; демократик тарбия; бадиий тарбия; меҳнат тарбияси; маҳалла тарбияси...

Буларнинг ҳеч бирини умумтарбиянинг узвий тар-

қўшилиш мушкул кечади. Шунинг унутмаслигимиз кераки, таълим-тарбия тизими Шарқда Фарбдагидан кескин фарқ қўлади. Бизда бу икки муҳим соҳа узвий ҳолда тушунилади: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди, – деб ёзади Исрол Каримов, – юксак маънавият – энгилмас куч" асаридан, – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси".

Фарбда, масалан, физика муаллимининг талаба дарсга қандай кийиниб келгани, ўзини қандай тутиши билан иши йўқ. Талабанинг одоби унинг шахсий иши сифатида қаралади. Хохласа, дарс маҳали калта юбка кийган талаба оёқларини стол устига қўйиб, тиззасиданги ноут-букида ёзиб ўтириверади. Физика муаллими уни тартибга қайтариш, гўё унинг шахсий ишига аралашган, яъни инсон ҳуқуқлари поймол этилган бўлади.

Йўқ. Бизда ҳар қандай таълим муассасасида, фанлар ўқитиш билан бирга, тарбиявий ишлар ҳам олиб борилади. Фанлар таркибиде эса айнан маънавий-маърифий тарбияга қаратилганлар ҳам бор. Улар, соҳасидан қатъи назар, барча таълим муассасаларида ўқитилади. Ҳуқуқи ва талаба ўқувчи ўртасида дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилади. Мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари раҳбарларининг бир ўринбосари – маънавий-маърифий ишларга масъул.

Комил инсон тарбияси давлат ва халқ олдида турган энг муҳим ва муқаддас вазифа ҳисобланади. Ҳаммаиз шу олий мақсадга интилишимиз, қўлимиздан келганича ҳисса қўлишимиз керак.

Султонмурод ОЛИМ, Вилоят халқ таълими ходимлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессори вазифасини бажарувчи.

# ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СИФАТИ

гирдобига тушиб, шу вайронкор мафқуралар қўрбонига айланиб қолаётган фарзандларимиз ҳам борда!

Фарзандим учун қулай шароитлар яратиб берсам, бас, бу ёғига ҳаммаси "беш" бўлади, дейдиган ота-оналар, афсуски, бола тарбияси учун моддий шароит қанчалар аҳамиятли бўлса, унинг баркамол бўлиб етишуви учун маънавий тарбия ҳам шунчалар муҳимлигини идрок этишмайди.

Тарбия – комплекс масала. Модомики, у жамиятнинг бош вазифаси экан, уни бир-икки тизим зиммасига юклаб қўйиш билан ҳал этиб бўлмайди. Биринчидан, тарбия – она қорнида ҳомилани парвариш қилишдан бошла-нади, инсон умрининг сўнгги дақиқасигача изчил давом этадиган умрлик вазифа. Иккинчидан, кишилик ҳаёти шундай мураккаб жараёнки, тарбия билан амалда жуда кўп соҳалар шугулланади. Учинчидан, улардан бирортасини четлаб ўтиш ё иккинчи даражали деб ҳисоблаш кем-тикликка сабаб бўлади, мукамал инсонни тарбиялаш орзу бўлиб қолади: маънавий тарбия; маърифий тарбия; сиёсий тарбия; иқтисодий тарбия; мафқуравий тарбия; ҳуқуқий тарбия; диний тарбия; ахлоқий тарбия; мада-



кибидан ажратиб ҳам, ўртасига "хитой девори" қўйиш ҳам ярамайди. Чунки, ҳаётда тарбиянинг бу жабҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ошиши керак.

Президент Исрол Каримов: "...маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узулсиз иш олиб боришни доимий тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғини ҳамда ўзида яхлит бир тизимни муҷассам этмоғи" ни талаб қилиб: "Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак", деган эди. Бу даъват тарбияда кучларни бирлаштириш эҳтиёжини ифодалайди. Шу "уч буюк қадрият" (Исрол Каримов) тарбия соҳаларининг

дийми, ҳуқуқийми, мафқуравийми, демократикми, экологикми, тиббийми...) ўзгартиш қўлилаётгани олдиндан маълум бўлиши ва шу ички қатъий режа асосида иш олиб борилиши лозим.

Мукамал шахс тарбияси жамиятимизнинг асл мақсадига айланган эканми, тарбияни мажмуавий тарзда олиб бориш – замон талаби. Жинси, ёши, касби, ижтимоий келиб чиқилишдан қатъи назар, ҳар бир шахс зиммасида, аввало, ўзини, қолаверса, бошқаларни тарбиялаш вазифаси турибди. Масалан, шундай қўйсақинки, жамиятни ўзгартира оламиз. Жамиятни ўзгартирмасак, ҳаёт мамлакат ва халқ олдида қўйган мақсадга етиш – ҳуқуқий демократик тизимни яратиш, илғор давлатлар сафига



## ФИДЖИ ОРОЛИДА КУЧЛИ ДОВУЛ

"Франс-пресс" агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Фиджи оролига ёпирилган тропик довул қўрбонлари кўпайиб бормоқда.

Австралия инсон-ти тасарруфидаги парварлик ташкило-маълумотларга қара-

Қотил 45 ёшли Жейсон Далтон исмли киши бўлиб, илгари судланмаган. Полиция ходимлари етти кишини ўлдирди ва бир кишини қаттиқ жароҳатлашга нима мажбур этганини айтишолмади. Афтидан, ҳуқуқни муҳофаза қилу-ўтмас ресторан-да ўқ узиб, тўрт аёлни ўлдирган, 14 ёшли кўрбонларни танлаб ўтирмаган. Далтон аввал кўп хонали уй

## ЎЙЛАБ ЎЛДИРДИМИ, Ё ЎЙНАБ?

Американинг Мичиган штати Каламазу округида етти кишини отиб ўлдирган шахс такси ҳайдовчи экани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.


Далтоннинг таниш-лаҳларидан бири қотил оилали бўлиб, икки болаининг отаси эканини айтган. У илгари ҳеч зўравонлик қилмаган. Қўшилари ҳам унинг оилапарвар эраки эканини таъкидлашди.

## 8 МАРТДА... НОЁБ АСТРОНОМИК ҲОДИСА

National Geographic Russia наشري тарқатган хабарга кўра, 8 мартга ўтар кечаси кoinотда ноёб астрономик ҳодиса юз беради.

Маълум қилинишича, ўша пайтда Юпитер сайёраси Ер – Кўёш тизими йўналишида пайдо бўлади ва уни оддий кўз билан бемалол кузатиш имконияти туғилади. Маълумки, Юпитер – Кўёш тизимидаги энг йирик сайёра. Оддий вақтларда уни ердан туриб кўриш амримаҳол. Бироқ, ҳар 13 ойда бир марта Ер – Кўёш йўналишида пайдо бўлади. Жумладан, бу йил 8

мартда Ердан Юпитергача бўлган масофа 664 миллион километрга тенг келади. Шунда у



## ЗИКА ОЛИМПИДАГА ХАВФ СОЛМАЙДИ

Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Томас Бах матбуот конференциясида Зика вируси 2016 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган Олимпияда ўйинларига хавф солмаслигини айтди.

ди. Демак, Рио-де-Жанейродаги мусобақалар юксак даражада ўтади". Ҳозирги вақтда Бразилия минтақасидаги 27 та мамлакатдан 22 тасида вирус тарқал-

ганлиги расман тасдиқланган.

Ахборот учун таъкидлаш жоизки, Рио-де-Жанейродаги Олимпияда ўйинлари 5-21 август кунлари бўлиб ўтади.

## ОЛТИМШ МИНГАСИ САВДОДАН ОЛИНАДИ

Волво автоконцерни электрон тизимида давлатнинг бир маромда ишлашига ҳалал берувчи носозлик борлиги учун 40 та мамлакатдан 59 минг автомобилни савдодан чақириб олмоқда.

Компания вакили Стефан Эльфстромнинг айтишича, гап 2015 йилда ишлаб чиқарилган 60 ва 70 серияли 5 цилиндрли дизель моделии автомобиллар ҳақида бормоқда. Чақириб олина-

диган машиналарнинг асосий қисми айни вақтда Швеция, Британия ва Германия мамлакатларида ҳаракатланмоқда. Ушбу муаммо ҳақида биринчи бўлиб, автомобиль ҳайдовчилари

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## Олтин мерос

### БУЮК СИЙМОЛАР

"Ўрта Осиё – Беруний, Иби Сино, Фаробий, Замакшарий, Улугбек, Бобур каби алломалар Ватани... Бобур зукко ва заковатли шоҳ, беназир олим эди", дея дунё олимлари эътироф этаётган алломалар юрти – мустақил Ўзбекистон ёшлари Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Буюк аждодларимизга муносиб бўлиш, улар бошлаган ишларни ривожлантиришга интилоқда!"



мероси, улуг давлатчилик, саркардалик маҳорати ҳақида сўз борди.

– Халқимизнинг дунё тамадунига муносиб ҳисса қўшган алломалари кўп, – деди адабиётшунос олим, ёзувчи Тўлқин Ҳайит. – Уларнинг бой илмий, бадиий меросини кенг ўрганиш, ибрат олиш имконига эга бўлган мустақил Ўзбекистонимизнинг бахтиёр ёшларисиз. Улуг мутафаккир, шеърят мулкининг султони Мир Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Мирзо Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тарихий ҳақиқат истиқлол йилларида янада кенг қўламда юзга чиқди. Шоирнинг "Бобурнома" қомусий асари, "Аруз рисолиси", "Хатти Бобурий", "Мубаййин", "Рисолаи волидия", "Муסיқа илми" ва "Ҳарб иши" каби илмий, бадиий асарларини ўқиб-ўрганиш сиз каби ёшларни камолотга йўллаш шубҳасиз.

Уқувчиларнинг миллий ва маънавий қадриятларимиз, олтин меросимизга бўлган қизиқиши, ҳурмат-эътибори учрашувга келган меҳмонларга ҳам руҳий кўтаринкилик бахш этди. Сайёра ЭШМАТОВА.



Бегубор болақонларнинг табиатга меҳрли бўлгани жуда ҳам яхши.

## ЭЪЛОНЛАР

"КОР ТАЯМОҚИ ҚО'СНМАС МУЛҚ САВДО" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириги бўлиши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди! Тақририй аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ М.Улугбек тумани судининг 26.02.2013 йилдаги 1-13-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 266 228 050 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х. Бойқаро 1-тор кўчаси, 2-А уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 895,0 кв.м., қурилиш остидаги ўлкаста майдони 461,49 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 370,0 кв.м., яшаш майдони 122,0 кв.м.дан иборат бўлган "тураркой (ҳовли)" қўйилмоқда. Тақририй аукцион савдослари 2016 йилнинг 15 март кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдодарга қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КОР ТАЯМОҚИ ҚО'СНМАС МУЛҚ САВДО" МЧЖнинг АТИБ "Ипотечка банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 хисоб рақамига тўлашлари шарт, МОФ 00425, СТИР 20712874, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиде савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17:00 да тўқатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

"Қўн тармоқли қўчмас мулк савдо" МЧЖ "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 10.02.2016 йилдаги 13-ва "Халқ сўзи" газетасининг 11.02.2016 йилдаги 29-сонларида берилган эълон қўйидагига ўйлиси: бошланғич нархи - 106 000 000 сўм бўлган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 14-мавзе, 13-ўй, 18-хонадон аукцион савдосидан олинди. Асос: Учтепа тумани СИБнинг 17.02.2016 йилдаги №17171-72/2-сонли ҳатти.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй. Телефон: 249-54-59.

## Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташиши ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2016 йил 30 март соат 10:00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. ВХ-426 й.т. "Ўртасарой ф/у-Қўйлик АШБ" (тақририй)
2. ВХ-432 й.т. "Қорасув қўрғони-Бурғалик қишлоғи" (тақририй)
3. ВХ-435 й.т. "Ўзбекистон ф/у-Оқ тепа қ.ф.й." (тақририй)
4. ВХ-437 й.т. "Тўйтепа АББ- Бурғалик қишлоғи" (тақририй)
5. ВХ-441 й.т. "Олим ота м.ф.й.-Қўйлик АШБ" (тақририй)
6. ВХ-442 й.т. "Тўйтепа АББ-Туябўғи қўрғони" (тақририй)
7. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ-ТошДад-Навоий ф/у" (тақририй)
8. ВХ-445 й.т. "Қўйлик АШБ-Бешоб" (тақририй)
9. ВХ-467 й.т. "Ўзбекистон т.й.ст-Чилонзор 25-дахта" (тақририй)
10. ВХ-508 й.т. "Қиёрай туруроқонаси-Крупусий қўрғони" (тақририй)
11. ВХ-510 й.т. "Қирчиқ АББ-Шарқ" маҳалласи" (тақририй)
12. ВХ-525 й.т. "Жамбул қишлоғи-ТошДАУ" (тақририй)
13. ВХ-534 й.т. "Гулистон" маҳалласи (Саидота қабристонини)-Юнусобод" (тақририй)
14. ВХ-534 й.т. П "Гулистон" маҳалласи (Саидота қабристонини)-Юнусобод" (тақририй)
15. ВХ-554 й.т. "Ғазалкент АШБ-Чорвоқ қўрғони" (тақририй)
16. ВХ-557 й.т. "Қизилсув" маҳалласи-Ғазалкент АШБ" (тақририй)
17. ВХ-572 й.т. "Олмалик АШБ-Ўзбекистон мустақиллиги қ.ф.й." (Қирқизобод орқали) (тақририй)
18. ВХ-576 й.т. "Олмалик АШБ-Қизил бирик қишлоғи (Гулистон м.ф.й. орқали)" (тақририй)
19. ВХ-575 й.т. "Чиноз-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (тақририй)
20. ВХ-582 й.т. "Қиёра С.Раҳимов ф.у." (тақририй)
21. ВХ-583 й.т. "Чиноз шаҳари-Йўл тушган" маҳалласи-Чиноз пахта заводи" (тақририй)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 268-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 40-сонли қарорларига асосан, очик тендерде белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортиде тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарларо, халқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларда тасвир этилган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия картонкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини биттабав қўридан ўтказиш бўйича белгилаган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнаш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларини ҳар ил йўналишларга тасвир этишга

ҳақиқ эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерде қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига қириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга тақлиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус туриде бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташиши ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасолақ кўчаси, 4/08-ўй.

Очиқ тендерде иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичиде)

йўналишларда йўловчилар ташиши ташкил этиш вилоят комиссиясида тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Узсанотқўрилишбанк" Қиёрай бўлими, х/р 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХТУ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориде пул ўтказиб, 2016 йил 25 март соат 17:00 гача бюромга беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташиши ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифлари 2016 йил 29 март соат 17:00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасолақ кўчаси, 4/08-ўй. Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти биноси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 294-29-80.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА  
Муассиса:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**  
Убайдулла  
**АБДУШОҲИДОВ**

Манзилымыз:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Электрон почта:  
thaqiqat@uamail.uz

**Телефонлар:**  
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,  
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.

Шарғнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Навбатчи муҳаррир**  
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ**

Навбатчи  
**Наргис ҲАСАНОВА**

Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖОЕВ**